

Туркистон» атамаси Эрон тилидан келган «-и» изофати ва «-стон» кўшимчаси билан биргаликда «Туркларнинг юрти (мамлакати, эли, ўлкаси)» маъносини беради. Бизнинг давримизда, хусусан, 1945-1950 йиллардан кейин бу, дунё турклигининг бешиги сифатида танитилган Турк юрти исмининг кўлланишида бир канча аралаш-куралаш фикрлар мавжуддир, «Туркистон» номининг фанда ва матбуот органларида кўлланишида «болта кирмаган ўрмон» зулматидаги кайфиятга чек қўйиш нияти билан «Туркистон»нинг тарихда ва ҳозирги кунимиздаги тушунчаси борасида фикрларимизни билдириш йўли оркали ҳақиқатни излаб топмок умидидамиз. «Туркистон» калимасни тўғри англамок ва англамок Туркистон турклари учун ҳаётий бир масаладир. Туркистон Осиё китъасининг «Ўрта Осиё» ё «Марказий Осиё» қисмида жойлашгандир. Бу мамлакат олис замонлардан бери турк қавмларининг, ҳозирги пайтда ҳам яшаб турган козок, киргиз, ўзбек, тожик, туркман, уйгур ва бошқа турк қавмларининг она ватанидир. Бу ўлка «дунё турклиги»нинг бешиги бўлганини инкор этувчи бирон илм кишиси йўк. Туркистонда 15 йилдан ортиқ чор Русийси хизматини адо этган Олмонияли Франц фон Шварц исми бир зот, хатто балки бир муболага ўларок, «Туркистон хинд-германлар бешиги» мавзуида асар ёзгандир. Биз бу ерда, Туркистоннинг «бешик»лик роли масаласида эмас, балки унинг исмининг тарихда кўлланишига эътиборни қаратамиз.

Тарихчиларнинг берган маълумотларига қараганда, «Туркистон» калимаси саколлар (искилар) давридаги обидаларда (милоддан аввалги VII аср ва милоддан кейинги II асрда) «Туркистанак» холида ифода этилгандир: «Туркистон» калимаси эски Ўрта Осиё тарихида ҳам зикр этилгандир. Бу ном Эрони ва Армани адабиётида VI асрдан бери кенг ўлчовда Шарк халқлари орасида кўлланилгандир. Армани тарихчиси Муса Хариноми VIII асрда, араб сайёҳи Ёқубий ўзининг «Китоба-л-булдон» деган асарида (891 йилда) Туркистон номи остида Идил (бугунги Волга) дарёсидан Тангри тоғларининг шарк тарафларигача бўлган ерларни тушунганлар. Энг қадимий «Авесто» достонида Туркистон ва Турон сўзлари кўлланилган. «Авесто»га кўра, Тангри тоғларининг шароити (Амударё) ораларидаги Хуросонга қадар давом этган ерлар Турон ва ё Туркистондир. Туркистонда VIII аср бошида Ислонга ўтилгандан кейин араблар «Туркистон» ўрнига «Билод ал-Турк» атамасини кўллаганлар, бу ҳам бари бир «Турк юрти», яъни «Туркистон» демак эди. Махмуд Кошгарий «Девону лугати-т-турк» номли асарида «Билод-ал-Турк»нинг ҳудудларини Чиндан Хазар денгизига, Бизанс, Кипчок, Русияга қадар давом этган ерлардан иборат деб кўрсатгандир. Келиб чиқиши жиҳатидан Бошқурт-Турк, лекин христиан динини қабул қилган, узок вақт Чинда рус қалибларининг миссионери бўлиб ишлаган ва Чин динини яхши билган Бичурин Чин манбалари ҳақида ёзган бир асарида, хитойларнинг Туркистон ҳақидаги фикрларини куйидаги жумлаларда ифода қилгандир: «Хазар денгизидан Куқунор (Кух-и-Нур) га қадар бўлган ерларда жойлашган кўчманчи бир қавм яшайди. Бу қавм туркча гаплашади ва Мухаммад қонунларига (Ислон демокчи) ишонади. Бу одамлар ўзларини ТУРК деб тавсиф этадилар ва яшаётган ерларини ТУРКИСТОН дейдилар».

Табиийдирки, кенг тупроқларга эга бўлган Туркистоннинг ҳудудлари замон-замон ўзгариб турган. Хунлар ва кўчтурклар замонидан бери Туркистон «дунё турклигининг маркази» сифатида дунё тарихи саҳнасида бўлиб келди. Бу ўлка буюклиги сабаби ила баъзан ТУРОН номи билан танитилгандир. Масалан, қорахонийлар давлати даврида

Турон сўзи Туркистон маъносида қўлланилгандир. Туркистоннинг буюк хукмдори ва кўмондони Амир Темур шарафига Карсакпой нокиясида 1391 йилда ёзилган бир обидада «СУЛТОНИ ТУРОН» аталгандир. Аммо Туркистон ўрнига ҳар вақт «Турон» сўзини ишлатмок одат холига кирмагандир. Туркистон тупроклари X асрдан эътиборан тамоман шу исмла тасвир этилгандир. Баъзи олимлар турклар бу кунги Туркистонда фақат IV асрдан бошлаб яшай бошлаганларидан баҳс килмокдалар. Рус туркологлари Малов бундай фикрларга қарши қуйидаги ҳақиқатни ойдинлаштирган:

«Турклар милоддан олдинги V асрда катта минтақада, ҳозир яшаётган ерларида яшардилар».

Турклар Туркистон тупрокларининг турли қисмларида қавм ва ё қавм бошлиқлари номи билан бир-бирларига боғлиқ ҳолда яшаганлар. У давлатларнинг идорачилари ҳеч қачон ўзларини Туркистон қалимасидан ташқари маъносида ифодалаб кўрсатмаганлар. Туркистонда ва у ердан бошқа жойларга кўчиб, ташқари ўлкаларда яшаган турклар сиёсий ва маданий ҳаётларида ҳар қачон ўзларини катта турк оиласининг қисмлари деб ҳис қилганлар. Аммо Туркистон исми билан бир давлат қурмаганлар. Улар учун Туркистон табиий бир атама, тўпловчи юрт исми ва маншаси бўлгандир. Бу эса Туркистон қалимасидан воз кечмок аломати бўлолмайди.

Туркистон (Турк юрти) тарихда ўз бошидан кўп ғожиаларни кечиргандир. Искандар Зулқарнайн, Эрон, араб, мўғул ва Чин истилолари шуларнинг бирор кўринишларидир. Туркистон уларнинг ҳокимиятидан қутулган, лекин кейин Яна бошқаларнинг ҳокимият тузоғига тушгандир. Охириги «тузок»ни чинликлар ва руслар қурганлар. Туркистоннинг не усулда уларнинг тузоғига тушганлиги масаласи алоҳида бир тадқиқотни такозо қилади. Биз бу ерда бу мавзунини четлаб ўтамай; бунинг сабабини ўзингиз тушунишингизни ва менга қарши чиқмаслигингизни илтимос қиламан, чунки бу масала Туркистоннинг тарихий истикболи масаласи билан боғлиқдир.

Русия 1716 йилдан эътиборан ГАРБИЙ Туркистонни ишғол қилиш сиёсатини давом эттирмокда эди. Хитойлар эса 1755-65 йилларда ШАРКИЙ Туркистонни ишғол қилдилар. ШАРКИЙ Туркистон 1882 йилгача Хитой армияси томонидан идора этилди. 1882-84 йилда ГАРБИЙ қисми «Хси-ю» ва 1884 йилнинг 18 ноябрида Чин императорлигининг «Янги вилояти», «Чинжанд» қилиб эълон этилгандир. Ўша пайтдан бери ГАРБИЙ ОВРЎПОНИНГ олимлари ШАРКИЙ Туркистонни Хитой таъбирига кўра, «Чин-жанг-Синкианг» шаклида қўллайдилар, лекин ГАРБИЙ ОВРЎПО адабиётида ШАРКИЙ Туркистон атамаси ҳам орасира ишлатилиб турибди. Русия ГАРБИЙ Туркистонни истило қилишни 1716 йилдан бошлади. 1734 йилдан эътиборан Туркистоннинг бўзқир вилоятларининг бир қисмида ҳокимиятни қўлга олди. Русия билан Туркистон хонлиқлари орасида давом этган русларнинг истило ҳаракатлари, хонлик давлатларининг ўзларини кўриклаш фаолиятлари 1853 йилдан эътиборан жиддий бир жараён холини олганди. Русия 1865 йилга қадар Ўрол дарёсидан (эски оти ёйик, Жойик) Орол-Балхаш-Иссиқкўл-ларни, уларнинг атрофларини ва Тошкент вилоятига яқин тупрокларни ишғол этди. ГАРБИЙ Туркистоннинг ишғол этилган тупроклари 1865 йилга қадар Русиянинг Оренбург Волийи Умумияси орқали идора этилди. Рус давлати 1865 йилнинг 12 феврилида Туркистонда ишғол этилган Иссиқкўлнинг ГАРБИЙ тарафидаги Урол дарёсигача бўлган тупрокларини «Туркистон вилояти» номи билан Оренбург Умум волийи томонидан идора этишга қарор қилди. Бу билан биринчи марта Туркистон — бир маъмурий бўлим сифатида кўрила бошланди. Руслар бу исмни албатта хаводан ва ё ер остидан олмадилар. Халқ орасида «Тўркистон» сўзи яшар эди. Халқнинг руҳига диққат қилиш керак эди. Тошкент шаҳри ва

Бухоро амирлигидаги бир канча шахар ва нохиялар ишгол этилгандан кейин, Русия Туркистон идораси масаласини янгитдан муҳокама қила бошлади. 1867 йилда Русия Харбий министри Милютин бошчилигидаги бир қўмита Туркистоннинг келажакдаги идораси масаласини торттирган эди. Туркистон вилоятининг Туркистон-Умумий Волилиги (Туркистон генерал-губернаторлиги) бўлиб, Русия харбий нозирлигига боғлиқ ҳолда идора этилишига қарор қилинди. Чор дукумати 1867 йилнинг 11 июлида бу Умумий Волилик ҳақидаги қонунга имзони қўйди.

Туркистон Умумий Волилигининг маркази этиб Тошкент шаҳрини тайин этидилар. Бу Умумий Волилик вазираси орқали Хева хонлиги, Бухоро амирлигининг бир қисми (1873 йилгача), Қўқон хонлигининг ҳаммаси (1876 йилгача) ва Помир қисмидаги (1875 йилгача) тупроқларда Русия ҳокимияти ўрнатилди. Русия ҳокимияти остида давлат ҳолида (Русияга қарам этилмасдан) давом этиган Бухоро ва Хева давлатларини контрол қилиш ҳуқуқи ҳам Туркистон Умумий Волилигига берилди. Туркистон вилояти номи остида идора этилаётган Ўрол ва Тургай вилоятларининг идораси Туркистон Умумий Волилиги идорасидан чиқарилиб, улар Оренбург Умумий Волилигига иттириқ қилинди. 1868 йилнинг 21 ўктябрида қабул этилган «Низомнома» асосига қўра, Туркистоннинг Окмулла ва Еттиқапа (русчаси Семипалатинск) вилоятлари ГАРБий Сибирия Умумий Волилиги идораси остига берилди. 1891 йилнинг 25 мартинда Ўрол, Тургай, Окмулла ва Еттиқапа вилоятларидан Степ (Бўзқир) Умумий Волилиги ташкил этилди. Бу эса Омск шаҳридан идора этиларди, Туркистон Умумий Волилиги ва Степ Волилигининг ташкил этилиши орқали Туркистонни парчалашга илк оғим ташлангандир. Туркистон ҳаётидаги бахтсизлик (Русия ҳокимияти остига қириши) билан ёнма-ён, тасодифан-ми ёки режа асосидан мавжуд бўлган «бахтлилик» ҳам борки, «Туркистон» атамаси яшашда давом этиётган эди, Степ Умумий Волилиги 1.606.687 квадрат километрдан ортиқ ва Туркистон Умумий Волилиги 1.969.983 квадрат километр майдонга эга эди. Шундан ҳам аниқлашиб турибдики, ҳеч бўлмаса бугунги Туркистоннинг ярмидан қўпроғи Туркистон номи билан идора қилингандир. Чинликлар эса, Шарқий Туркистоннинг қамиди 1000 квадрат километр тупроғига ҳам Туркистон номи бермагандирлар.

Туркистон XIX аср бошларигача инглиз адабиётида Бухоро номи билан танитилгандир. ГАРБий Туркистонни Катта Бухоро ва Шарқий Туркистонни Кичик Бухоро деганлар. Инглизлар XIX асрдан эътиборан ГАРБий Туркистонни Тюркистон (Туркестан) деб атаганлар ва ГАРБий Оврўпо адабиёти ҳам Туркестан (Туркестан) терминологиясини қўллаб бошлаганлар. На Оврўпо ва на Русия адабиётида ГАРБий Туркистон демок одат ҳолига келгандир. Бу мамлакатнинг эгалари, айниқса, уларнинг зиёлилари умумият-ла Туркистон атамасини ишлатганлар ва Туркликнинг катта бир ўлкасини ГАРБий, шарқий ва жанубийга айириб ўтирмай фақат бир ифода ила, яъни Туркистон исми остида таниганлар ва танитишга тиришганлар. Рус адабиётида XIX асрдан бери Шарқий Туркистон терминологияси қўлланилар эди. Фақат бу терминни тарих, география ва этнография термини сифатида ишлатмаганлар. Шарқий Туркистон туркларининг зиёлилари эҳтимол XX асрда Шарқий Туркистон терминологиясининг ишлатилишига диққат қила бошлаганлар. 1930 йиллардан кейин Шарқий Туркистончилик гоёси юксала бошлади. Айни чоқда секин-аста Туркистон терминологиясида иккилик (Шарқий ва ГАРБий Туркистон фикри) бошланди. Аммо Туркистоннинг ГАРБ қисмидагилар ўзларини бугунга қадар ГАРБий Туркистонлик эмас, Туркистонли деб танидилар ва ҳис этидилар. ГАРБий Оврўпо ва Америка Қўшма, Штатларида асримиз-нинг Иккинчи Дунё Урушигача (1945) ва 1950-80 йилларида Туркистон номи остида бир канча асар нашр этилгандир.

Русия империясида эса 1924 йилдан кейин Туркистон терминини ишлатмайдилар. Лекин 1924 йилгача Туркистон масалаларининг тадқиқотларида бу терминни ишлатиш мажбурияти остида қоладилар. Бугунги Совет Русияси «ўтмишдаги» Туркистон термини хақида маълумотлар бераётир, аммо бу кун бу термин борлигини инкор этаётир. Мсалан: «Туркистон Турк мамлақати демақдир (бу ифода энциклопедияга оиддир). Узок замонлардан бери Ўрта Осиё ва Марказий Осиёдаги майдонларнинг тарихий, жугрофий атамасидир».

Бу кунги Туркистон 3 қисмдан (гарбий, шарқий ва жану-бий) иборатдир. Гарбий Туркистон 3.999.400 километр квадрат ердан иборатдир». Шарқий Туркистон эса 1.503.563 километр квадратдан иборатдир. Демақ, Умум Туркистон Осиёнинг 5.497.963 квадрат километрдан иборат бўлган буюк мамлақатларидан биридир. Жанубий (Афгон) Туркистон хақида кўлимизда статистик маълумотлар йўқ даражададир., Шарқий Туркистон хақида эса овруполиклар (шу жумладан руслар) томонидан ёзилган асарлар бордир. Хитойча ёзилган асарлар ҳам кўп. лекин, бу кунга қадар, бу ерларда хулоса чиқарувчи миллий ва исломий руҳда ёзилган асар бўлмади. Шарқий Туркистон ва Жанубий Туркистон хақида миллий, илмий руҳда бир таъсирли асар ёзилгунча, бу ёзувимизда диққатимизни Гарбий Туркистонга, яъни дунё адабиётида Туркистон деб топилган Турк ерларига қаратмоқчимиз. Умид қиладаги бўшлиқни, Шарқий Туркистонли олимлар ва ё уларга дўст бўлган ва унинг муаммоларини яхши билган бошқа олимлар тўлдиражакдир.

Совет Русия империясида Туркистон атамаси қўлланишининг 1924 йилдан эътиборан таъқиқланганлиги афкор оммага маълум бир манзарадир. 1924 йилнинг 14 ўктябри «Туркистон» калимасини сиёсий ва жўгрофий терминлар каторидан чиқариш қундир. СССРнинг Марказий Ижроия Қўмитаси, ўша кунги. Туркистон Совет Жумхуриятини ҳукмдан қолдиришга, Бухоро ва Хоразм жумхуриятларини йўқ қилиб, уларнинг ерларини Ўзбекистон ва Туркменистон Совет Жумхуриятларига, (Ўзбекистон ичида Тожикистон Мухтор Совет Жумхуриятига) тақсимлэшга қарор берди., Шундай қилиб «Туркистон» номини Совет Иттифоқидаги жўгрофий исмлар орасидан чиқардилар.

Туркистонни парчалашдан олдин «Туркистон» терминининг қўлланилиши ва унинг идора этилишидаги исм масалаларида Туркистонликлар ва совет руслари орасида кўп тортишувлар давом этди. Хатто ўзларининг коммунист эканликларини яширмаган, лекин миллий туйғулардан ҳам воз кечмаган советларнинг туркистонли лидерлари, Туркистоннинг идора хаёти масаласида Москва йўригидан бўлақча қарорлар ҳам қабул эттиришга қодир эдилар. Масалан, Туркистон Коммунистик партияси Мусулмон Бюросининг 1920 йилнинг февралдаги, III конференцияси «Туркистон жумхуриятининг исми Туркистон турк жумхурияти қилиб ўзгартирилиши қерақ», дея қарор қабул қилганди. Хатто мусулмон коммунистлари Москвадан Туркистон учун ички ва ташқи сиёсатда мустақиллик талаб қилгандилар. Бунга қарши Москвадан: «Туркистон мустақиллиги учун кураш, биз учун бирор янгилик эмас, лекин бунинг социализм ила алоқаси йўқдир» деган жавоб қилганди.

Туркистонда битта турк жумхуриятини мустақил сақлаб қолиш борасидаги туркистонли «коммунист»ларнинг талаби Русиянинг Туркистон жабахаси қўмондони талабига биноан рад этилди. Ленин 1920 йилнинг 13 июнида Русия давлати ва коммунистик партиясининг Туркистон комиссарлигига «Туркистоннинг (этнографик ва бошқа хусусларда) Ўзбекия, Қирғизия ва Туркмания шаклида бўлган хариталарини ҳозирламоқ, бу уч группани бирлаштирмоқ ва ё айирмоқ учун шартларни атрофлича ишлаб чиқмоқ тадбирларини

юклаганди. Туркистондаги Совет рус лидерлари Лениннинг бу кўрсатмасини амалга ошириш масаласида, Туркистон кавмларининг бирини бошқасидан айирмоққа қарор қилдилар. Бу йўлда туркистонли коммунистлардан бир қисмининг ишончини ҳам қозондилар.

Шуни ҳам қайд этмоқ керакки, Совет режими Туркистонда (Бухоро ва Хоразм, халқ жумхуриятлари билан бирга) ўз сиёсатини ўрнатмоқ учун «Умум Туркистон» терминидан воз кечди. Бухоро ва Хоразм давлатлари ила Совет Туркистонининг иқтисодий масалаларини бир марказ остига олмақ учун Советлар 1922 йилда қуйидаги фикрни ўртага ташлаганди.

«Бухоро, Хоразм ва Тўркистоннинг маданиятга оид шароитлари, истихсол қучларининг шериклик хусусиятлари ва бир-бирларига боғлиқлиги, бордир. Умумий маданият, тарих ва сотсиал шароитлар заминидан майдонга келган бу жумхуриятларнинг демократик ва этнографик группалари, Ўрта Осиёнинг бутун бу минтақаларининг моддий ва маънавий маданиятининг-муштарак эканлигини намоён этмоқдадир». Бунинг устига устак, советлар «Туркистон ўзича уйғун бир дунё эканлигини унутмаслик кераклигидан ҳам бахс этмоқда эди».

Совет режими зотан 1920 йилда Туркистонда турк халқининг бор бўлганлигини инкор этмоқда эди. Русия давлати ва Коммунистик партияси Туркистон комиссарлигининг Раиси Рудзутак. 1920 йилда, Тошкент шаҳрида Туркистонда Турк Жумхуриятининг ташкил этилиши ҳақидаги қарорга қарши қуйидаги очик фикрни ва талабни билдирганди:

«Турк Жумхуриятини ташкил этиш қарорига рози эмасман. Бу қарор миллатчилик таъсири остида қабул қилингандир. Ҳақиқатан, Туркистонда ягона турк халқи йўқдир. Туркманлар, қозоқлар, қирғизлар, ўзбеклар бордир».

Москванинг энг кўрқитувчи ва қучли ижро хайъати раисининг бундай баёнотини ҳар қиманглай олади. Советлар бир тарафдан Туркистон миллий бирлигига, бошқа тарафдан бу бирликни ифодалаган «Туркистон» терминига қарши бўлдилар. Бу эса Туркистонли Совет тарихчиси ва ҳуқуқчиси, Турар Рискул раислигида «Туркистон бирлиги» ҳақидаги планга қарши Совет режимининг ички дунёсини қуйидаги фикрлар ила ифодалагандир:

«Бундай план Маркс-Лениннинг миллатлар масаласидати таълимотига зид, пантуркизм ва панисломизм тегирмонларига сув оқизувчи, Туркистонни Русияга қарши фаолиятга бошловчи ва ниҳоят Туркистонни Русиядан айириш йўлини кўрсатувчи пландир».

Советлар «Туркистон» терминини ишлатмайдилар, лекин зарурат ҳолида «Туркистон» таъбиридан воз кечмайдилар. Буни Лениннинг «Туркистон» ҳудудларининг қаерлардан ўтишини кўрсатувчи фикридан ўрганиш мумкин. Лениннинг фикрича:

«Туркистон Урол, Тургай, Окмулла, Семипалатинск (Етти-қапа), Фарғона, Самарқанд, Еттисув, Сирдарё, Ҳазар денгизи бўйи, Хева ва Бухоро вилоятларидан иборатдир».

Демак, Ленин собиқ Туркистон ва Бўзқир Умумий Волиқлари ва Бухоро ва Хева давлатларининг тупроқлари том маъноси ила Туркистон бўлганини инкор этмагандир. Совет Иттифоқининг расмий мақомлари 1924 йилдан, айниқса иккинчи Жаҳон урушидан кейин, Туркистон ўрнига Ўрта Осиё ва Қозогистон терминологиясини ишлатмоқдадир. Нима учун Қозогистон Совет Жумхуриятини ҳам Ўрта Осиё демайдилар шаклидаги саволга жавоб бермаганлар. Совет жўгрофиячилари, ҳатто Ўрта Осиё Марказий Осиёнинг бир қисми бўлганлигини ҳам тан олмайдилар.

Совет Иттифоқида ва ташқи мамлакатларда Вилгелм Бартолд қаби машҳур бир

шаркшуноснинг ролини ва унинг бутун умри давомида Туркистон тадқиқотларига жиддий диққат сарфлаганини ва кимматли асарлар ёзганини англаганларнинг саноги йўқдир. Бартолд 1902 йилда Туркистон худудлари хақида куйидаги фикрини билдирганди.

«Туркистон Оврўпо-Осиё калъасининг гарбий-марказий қисмида катта бир минтакани эгаллаган, қадимдан бери Турон ва ё Туркистон аталган мамлакатдирки, бу эса турклар мамлақати демақдир. Бу ўлка гарбда Ўрол дарёси ва Хазар денгизи, Шарқда Олтой тоғи ва Чин (Хитой) худуди, жанубда Эрон ва Афғонистон, шимолда Тобол, Томск вилоятлари орасидадир ва Оврўпонинг учдан бир қисмини ташкил этади».

Бартолд 1923 йилда Тошкент Университетида «Туркистон тарихи» соҳасидан дарс берарди. 1927 йилда эса ўзининг «Туркистон маданий ҳаёти тарихи» («История культурной жизни. Туркестана») асарини нашр этдирганди. Бу олим Туркистонни севар эди. Лекин рус империясининг сиёсий манфаатлари доирасида ишлаётган эди. Совет режими дунёга танилган бу билим одамининг фикрини, яъни исбот этилган тарихий ҳақиқатларини қабул этмади.

Иккинчи Жаҳон урушидан кейин Гарбий Оврўпо ва Америка Қўшма, Штатларида «Туркистон» термини ўрнида «Ўрта Осиё», «Марказий Осиё» терминини қўлламоқ фикрлари илгари сурилди. Бу соҳада Лондонда ташкил этилган «Ўрта Осиё тадқиқот Маркази» «кашшофлик» ролини ўйнади дейилса хато бўлмайди. Бу кун дунёнинг (Совет Иттифоқидан ташқари) бир қатор ўлкаларида 40 дан ортиқ Ўрта Осиё тадқиқот институтлари, марказлари, жамиятлари ва бошқалари иш олиб бормоқдаларки, буларнинг кўпчилиги классик исмдаги Туркистон масалалари ила машғулдирлар, лекин «Туркистон» сўзини қўлланмоқ лозим бўлиб қолса, журъатеизлик қиладилар, Туркияда ҳам «Туркистон» атамаси ўрнида Ўрта Осиё ва ё Ўрта Осиё турклари дейиш одат тусига киргандир. Бунинг бир қанча сабаби бўлиши керак. Бу фикр тақомули бу кунгача тадқиқ этилмади. Балки бундай бир завқ Бартолднинг Истамбул Университетида давом эттиргани «Ўрта Осиё турклари тарихи» дарслари таъсирида 1927 йилдан кейин бошланганмикин? Бартолд ўша йили ўзининг «Туркистон маданий ҳаёти тарихи» асарини нашр эттиргани холда Истамбулда Ўрта Осиё турклари тарихидан дарс берганди. Нечун бундай бўлди? Совет режимининг раҳбарлари унга таъсир эттилармикин? «Туркистон демайсан, Урта Осиё дейсан», дедилармикин? Хар холда ачинарлиси шуки, бир Турк юртининг илм ва ё фикр одамлари бошқа бир турк юртининг исмини айта олмай, умумий қилиб Ўрта Осиё турклари терминологиясини қўлламоқдадирлар. Юнескога кўра, Ўрта Осиёда кўп халқлар яшайди. Агар Туркияда Туркистон отининг тўғри қўлланиши мумкин бўлмаса, у холда Туркистон терминини «миллий яшаётган ватан» шаклида дунёда химоя этмоқ масаласида кўп мушқулликлар ўртага чиқажакдир.

Хозирги пайтда Гарбий Оврўпо, Америка ва улардан илхомланиб шарқ ва ислом мамлакатларида, «Туркистон» калимаси ўрнида умумиятла Ўрта Осиё демақ аста-аста одат тусига кирмоқдадир. Хаттоки баъзи туркистонликлар устодларининг ва ё ўқиган китобларининг таъсирида, бўлиши мумкин, «Туркистон» терминини ишлатишга журъат этмайдилар ва Урта Осиё деяётдилар. Советларнинг туркистонликлар орасидан чет ўлкаларда вазифалантирилган баъзи кимсалари, «Туркистон» сўзини ишлатмаслик учун ташвиқотлар олиб бормоқдалар. Совёт Иттифоқи ташқарисидаги ўлкаларда «Туркистон» атамасини илм саҳифасидан сиқиб чиқариш ташаббуслари йўли ила билиб ё билмай, Советларнинг гоёларига хизмат этмоқ тамойиллари давом эттирилмоқда. Хаттоқу, Муних, Олмониядаги Озодлик радиосининг истеъдодли вакиллари 1978 йилнинг нўябрида Туркистон учун тайёрланган нашрларда «Туркистон» терминини эмас,

«Ўрта Осиё ва Козогистон» терминологиясининг қўлланилишига буйруқ берди. Бундай тамойиллардан сабоқ шуки, оталаримиз «зўрнинг таги тегирмон тошини ҳам айлантиради» деганларидай Туркистон масаласида ҳам шу гап борга ўхшайди. Туркистонни Русиянинг «зўрлари» айлантirmокдалар, буларга илова қилиб уни Гарбдаги ва хатто кардошларимиз орасидаги илм одамлари ҳам «тегирмончи» руҳида иш кўрмакдалар.

Баъзи инсонлар борки, Ўрта Осиё ўрнига «Туркистон» сўзининг қўлланиши ҳар жихатдан ахамиятлидир, дейишаётганда «биз Гарбнинг Ўрта Осиёга оид фикрлари ила биргалашиб ўз манфаатларимизни шу йўл орқали химоя қиламиз» дея майдонга чиқадилар. Билмайдиларки, «Туркистон» олиб сотиладиган (спекуляция) мол эмас; «Туркистон» номи масаласи миллатнинг шарафи, оти, борлиги, келажакда ким бўлишини тайин этиш ва сезиш воситаси, бу куннинг эса миллий даъвосининг бир бўлагидир. «Туркистон» термини масаласида Совет Рўсиясининг янги бир ўйини ўзини сахнада кўрсатмокдадир. Советлар Гарбий Туркистоннинг исмини сўйлашни қабул этмаганлари холда Шаркий Туркистоннинг исмини зикр этадилар. Лекин Гарбий Туркистонни «Ўрта Осиё» дея ифодаладилар. Гарбий Туркистонни Ўрта Осиё деб, Шаркий Туркистонни эса шу исмда тилга олувчиларнинг сафи ҳам ташки ўлкаларда, хатто Шаркий Туркистонлилар орасида ҳам ортиб бормокдадир. Шунга карамай, Шаркий Туркистон ҳамон Чинлиларнинг берган «Чинжанг» отидан кутула олмади.

«Туркистон» атамаси ўрнида «Ўрта Осиё» атамасини қўллаган тадқиқотчилар ва ёзувчилар «Нечун бундай бир яхши нияти бўлмаган қарорга келдингиз?» деган саволга жавоб тополмайдилар. Балки, «Совет режимини тадқиқ қилувчилар» «Туркистон масаласини билмаганлари учун, атамани қўллашда чалкашликларга йўл қўяётгандирлар. Профессор Александр Беннигсеннинг фикрича «Ўрта Осиё тадқиқотчиларининг кўпчилиги «Совет мутахассислари» сифатида тахсил кўрганлар. Шунинг учун уларнинг Ўрта Осиёга қарашлари русларнинг ва ё советларнинг ўлчовида бўлса керак» «Туркистон» терминининг қўлланилиши соҳасидаги тамойилларнинг сиёсий сабаби бўлса керак, дея шубҳаланганда ҳақлимиз. Фақат бу шубҳани тасдиқламок учун қўлимизда манба йўқдир. Совет Рўсиясининг нияти эса маълумдир. Советлардан ташқари фаолият кўрсатувчи баъзи олимларнинг «Туркистон» сўзини ишлатмаслик фикрлари ила Советларнинг фикрлари орасида бир боғланиш бор. Аммо «улар нечун Совет гоёсига боғланган холда ҳаракат қилмокдалар?» деган саволга: бу ерда жавоб тополмаймиз. Кимлар, қаерларда, қайси мавқеларда ва ниятларда «Туркистон» номини ишлатмаслик туйғуси ва фаолиятида эсалар, уларга шуни эслатиб қўйиш керакки, «Туркистон» номи яшаш қобилиятига эгадир. Буни қуйидаги хусусиятларда кўра оламиз.

1. Миллатнинг 2000 йилдан зиёд замондан бери қўлланмокда бўлгани Ватан исмини қисқа вақт ичида унутмокка ҳеч бир имкон йўқдир.
2. Туркистонда «Туркистон» атамаси ҳозир ҳам яшамокдадир. Масалан, Туркистон тоғи, Туркистон шаҳри, Туркистон-темир темир йўли (2,552 км. узунликда), Туркистон ҳарбий округи каби.
- 3 XX аср бошида ташкил. этилган Туркистон миллий ташкилотлари ва ҳукуматлари ва Туркистонда ва ташки ўлкаларда нашр этилаётган газет ва журналлар ҳам «Туркистон» номидадир.
4. 1959 йилнинг июлида Америка Қўшма, Штатлари Конгресси томонидан қабул этилган «Асир миллатлар ҳафтаси» қонунида Туркистоннинг исми ҳам зикр этилгандир. Бу қонунда Ўрта Осиё дейилмаган. Ҳар йилнинг 13 декабр куни Америкада «Туркистон

куни» бўлиб хотирланмоқда, «Ўрта Осиё куни» эмас.

5. 1962 йилнинг нўябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг байналмилал йигилишида Англиянинг вакили, 1962 йилнинг 26 нўябрида «Туркистоннинг Уч ўзбек давлатининг Русия томонидан ишголининг 1876 йилда тамомлаганлигини» баен этгандир. Демак, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ҳам бу термин бахс мавзуи бўлгандир.

Дунёнинг бир канча Комуслари (Энциклопедиялари) Туркистон моддасида Туркистонни бутун тафсилоти билан тасвир қилганларки, булар ҳам Туркистон исмининг яшаш қобилиятини кўрсатувчи далил, бўлади. Булардан «Туркистон Урта Осиёдаги бир минтақадир» деб, бизнинг «Туркистон Урта Осиё эмас» деган ҳақиқатимизни кўрсатиб турибди.

Туркистоннинг ўзига хос хусусиятлари бррдир. Унинг тарихи, маданияти, цивилизацияси, ислом дини ҳаёти ва ислом маданияти такомилдаги айрича роли, бой турк тили ва ада-биёти, урф-одатлари, мусикаси, халқ дostonлари, гўзал санъатлари, меъморчилиги, спорт фаолиятлари, оила ҳаёти, турли таомлари каби бир қатор хусусиятлари бошқа миллат хусусиятларига ўхшамайди. Туркистон бой бир мамлакатдир. Буни ўтмишда ёзилган асар ва мақолаларимизда кўп марталаб кўрсатган эдик.

Туркистон водийлар, чўллар, тоғлар, катта-катта далаларнинг марказидирки, буларда ер ости ва ер усти бойликлари ётибди. Туркистон маъданлар маркази бўлганидай зироатчилик ва хайвончиликнинг ҳам марказидир.

Туркистонда қадим замонлардан тортиб то ҳозирга қадар турклар, уларнинг қавмлари яшамокдир, юқорида билдирилган қиска фикрларимиз билан «Туркистон нимадир» саволига «Туркистон шудир» деб жавоб бера олган бўлсак, бу мақоламизнинг вазифасини бажариш йўлида бир қадам олга юрган бўламиз.

Мархум шоир Мағжон Жумабой (1894-1938) нинг завқ билан ёзилган мана бу мисраларига ҳам диққат этишимиз лозим:

Туркистон — икки дунё эшиги-гўй,
Туркистон — эр туркнинг бешиги-гўй,
Томоша Туркистонда мард тугилмоқ,
Туркларга Тангри берган насиби-гўй.

Боймирза ХАЙИТ